

---

## Пандигон маҳалласида Наврӯз байрами ўтказилди

**Эзгулик ва нафосат айёми Наврӯзи олам Қува туманининг Пандигон маҳалласида зўр тантана билан кўтаринки руҳда нишонланди.**

Маҳалла гузарида ўтказилган байрам тадбирида байрам дастурхони ёзилиб, эҳсон қилинди.

Байрам тадбирида маҳалла аҳли билан биргаликда туман сектор раҳбарлари ва фаоллар иштирок этиб ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Маҳалладаги Наврӯз сайлида ёшлар иштирокида турли хил маданий-маърифий тадбирлар, саҳна кўринишлари намойиш этилди, сумалаклар пиширилди. Баҳорий таомлар билан безатилган байрам дастурхони атрафида йиғилганлар шундай доруломон кунларга етказганига шукроналик келтириб, юртимизда тинчлик, файзу барака бардавом бўлишини тилаб дуо қилишди.

2023-03-13 16:59:06